

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

499 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортида ҳамда соатбай ташишларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланишини аниқлаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ ва унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1164-2*

(2012 йил 2 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сонли «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 437-модда) бажариш мақсадида **бююраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2002 йил 24 июлдаги 97и-сон «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортида ҳамда соатбай ташишларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланишини аниқлаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1164, 2002 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон);

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2011 йил 24 мартдаги 52-сон «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортида ҳамда соатбай ташишларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланишини аниқлаш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1164-1, 2011 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 15-сон, 158-модда).

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

499-500-моддалар

— 36 —

43 (543)-сон

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 17 октябрь,
6-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2012 йил 17 октябрь

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТЎРАЕВ

2012 йил 17 октябрь